Статистика ва ижтимоий тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 3 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (11.420)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор боис уларнинг сафи ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ортиб бормоқда.

ЧЕВАРЛАР МАҲОРАТИ

Ана шундай кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса сифати билан ички бозорда муносиб ўрин топмоқда. Пойтахтимиздаги «Анталия-текс» кичик корхонасида ҳам тайёр трикотаж кийимкечаклар маҳаллий хом ашёдан тикилмоқда. Корхона модельер-дизайнерларининг саъй-ҳаракатлари самара бериб, бугунги бозор талабига мос яратилаётган эркаклар, аёллар ва болалар ички ҳамда устки либослари замонавийлиги, бежиримлиги, қулайлиги билан ажралиб туради.

Тадбиркорлар бозорни ўрганиш асосида янги-янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришни мақсад қилишган. Бунинг учун цехларни янги технологик линиялар билан жиҳозлаш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек корхонани кенгайтириш асосида ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратилади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: корхона чеварлари маҳорати тайёрланаётган маҳсулот сифатини таъминламоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ — РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда молия муассасаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши иқтисодиётимизнинг янада юксалиши ҳамда тадбиркорлар сафи кенгайишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар банкларнинг барқарор фаолият кўрсатишида дастуриламал бўлаётир. Буни «Ипотека-банк» мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айни вақтда "Ипотека-банк" тизимидаги 130 мини-банк, 474 жамғарма касса, 145 валюта айрибошлаш ва 548 халқаро пул ўтказмалари шохобчаси аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий, қулай ва кўркам турар-жойлар барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида ана шундай бунёдкорлик ишлари натижасида қўллаб замонавий турар-жой масканлари бунёд этилди. Улар сонини янада ошириш мақсадида «Ипотека-банк» вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида қирқ тўртта кўп қаватли уй қурилишини молиялаштирмоқда. Айни вақтда 672 хонадонли 20 уй фойдаланишга топширилди. Нукусдаги 72 хонадонли, Андижондаги 64 хонадонли, Бухородаги 64 хонадонли, Урганчдаги 64 хонадонли, Тошкент шаҳридаги 104 хонадонли уйлар шулар жумласидандир.

Банк томонидан ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олишини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим омил бўлаётир.

Унга кўра 2009 йилнинг биринчи чорагида банк уй-жой қуриш ва харид қилиш истагида бўлган уч юздан зиёд оилага 7 миллиард 250 миллион сўмлик ипотека ва уч юздан ортиқ оилага 873 миллион сўмлик истеъмол кредити ажратди. Бу 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 51,8 фоиз кўп демакдир.

Банк фаолиятида уй-жой қуриш билан биргаликда, аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам муҳим ўрин тутади. Уларга ажратилаётган кредитлар корхона фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларга қарийб 35 миллиард сўмлик кредит ва 6 миллиард 309 миллион сўмлик микрокредитлар берилди. Шунингдек, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, чекка ҳудудларда сервис соҳасини ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоғини янада юксалтириш мақсадида ҳам маблағлар ажратилди. Натижада 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгайтириш мақсадида банк ҳозирга қадар мижозларга тақдим этган пластик карточкалар сони 503,9 минг донага етди. Мижозларга савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари, дорихоналар, ихтисослаштирилган кассалар ҳамда банк жамғарма кассаларида ўрнатилган 2 минг 340 терминал, 12 банкомат ва 18 инфокиоск хизмат кўрсатмоқда.

Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб, барқарор ва самарали фаолият юритаётган мазкур банк дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари эътиборини қозонди. Ўтган йили «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги "Ипотека-банк"нинг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитларига B1 халқаро рейтинг даражасини бериб, истиқболли ва ишончли «Барқарор» рейтингини белгилади. Бу чет эл молия институтлари ва халқаро кредит линиялари инвестицияларини иқтисодиётнинг реал тармоқларига кўпроқ жалб қилиш ва шу орқали мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этиш имконини беради.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасига ушбу мамлакат президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан амалга оширган расмий ташрифи якунлари Бразилия оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди ва шарҳланмоқда.

Ўзбекистон ва Бразилиянинг ўз минтақаларида муҳим ўрин эгаллашларини эътиборга олган ҳолда, Бразилия оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Лотин Америкасининг етакчи давлати бўлган Бразилия билан ҳар томонлама ҳамкорликни қўллаб-қувватлашини очиқ-ойдин айтгани қайд этилади. Ўз навбатида, Луис Инасиу Лула да Сильванинг Марказий Осиёдаги етакчи давлат бўлган Ўзбекистон Бразилиянинг ишончли ҳамкори деб ҳисоблаши айтилади.

Бразилия матбуоти икки мамлакат раҳбарлари учрашув чоғида Ўзбекистон — Бразилия муносабатлари, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазият, Лотин Америкаси тараққиёти масалалари юзасидан фикр алмашишгани ҳақида ёзади. Президентлар шунингдек глобал молиявий-иқтисодий инқироз, унинг таъсирини камайтириш ва оқибатини енгиллаштириш имкониятлари масаласини ҳам муҳокама қилишди.

БРАЗИЛИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

Ҳар иккала мамлакат ҳам илгари хом ашё экспорт қилгани ҳолда, қисқа тарихий даврда тайёр маҳсулот экспорт қилишга эришган давлатларга айланди ва бу уларнинг ривожланиш йўллари ўхшаш эканини кўрсатиши алоҳида қайд этилади.

Президент Ислом Каримовнинг Бразилияга ташрифини юқори баҳолар экан, оммавий ахборот воситалари давлатлар самолётсозлик, машинасозлик, нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, туризм, транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида бой салоҳиятга эга эканликлари ҳақида ёзади.

Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик борасида кўплаб ҳужжатлар, музокаралар якунида эса Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасида Қўшма декларация имзолангани таъкидланади.

Мамлакатдаги йирик нашрлардан бири "O` Globo" Президент Ислом Каримовнинг Бразилияга ташрифи арафасида ўз саҳифаларида «Ўзбекистон: улкан имкониятлар мамлакати» бош сарлавҳаси остида Ўзбекистон Республикасига бағишланган туркум мақолалар эълон қилди.

Унда хусусан шундай жумлаларни ўқиш мумкин: «Ўзбекистон ҳудуди дунё тамаддунининг қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу ерда, узоқ ўтмишдан бошлаб, бирин-кетин қудратли давлатчилик тузилмалари пайдо бўлган.

Ҳозирги Ўзбекистон бутун минтақада барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминловчи Марказий Осиёдаги етакчи саноатлашган мамлакатдир.

Ўзбекистон "ўтиш даври" деб аталадиган довондан муваффақият билан ўтган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг 7-9 фоиз суръатда ривожланаётгани кўринмоқда.

2008 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлган 9 фоизга эришди. Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётига 100 миллиард доллардан зиёд, шундан 27 миллиард доллари хорижий сармоядорлар улуши бўлган инвестициялар жалб қилинган».

Нашрда таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни кучайтириш ва диверсификациялашга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишни ишонч билан давом эттирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

✓ **БУГУН** шаҳримизда иқтидорли ёшлар ўртасида уюштирилган «Ниҳол» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧАДАН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида уч йиллик бичиш-тикиш мактаби ташаббуси билан ижодий ишлар кўргазмаси бошланди. Ушбу тадбир 6 июнгача давом этади.

✓ **АЗИМ** пойтахтимизнинг 2200 йиллигига муносиб туҳфа ҳамда шаҳримиз йўловчиларига намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ташаббуси билан Германиядан Тошкентга 200 та «Мерседес-Бенц» автоуловлари келтириладиган бўлди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида Бельгия ва Ўзбекистон ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни янада ривожлантиришнинг аҳамиятига бағишланган тадбир бельгиялик сенаторлар иштирокида бўлиб ўтди.

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламентига мувофиқ, парламент қуйи палатаси депутатларининг жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган навбатдаги учрашувлари ниҳоясига етди. Юзма-юз учрашувларда асосий эътибор мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётига оид масалаларга қаратилди.

● Андижонда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг «Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат — 2009» кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда Фарғона водийси вилоятларидан 50 га яқин тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

● Қабул пунктларига 135 тонна юқори сифатли қимматбаҳо хом ашё етказиб берган чинозлик, 196,8 тонналик хирмон уйган бўкалик пиллакорлар пилла етиштириш бўйича белгиланган шартномани ортиғи билан бажардилар.

● Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан, мазкур танловнинг Хоразм вилояти босқичи — Урганч шаҳридаги биринчи болалар мусиқа санъати мактабида бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Маданият, таълим, санъат ва тарих масалаларининг нодавлат нашрларда ёритилиши» мавзуида уч кунлик ўқув анжумани ўтказилди. Тадбир якунида журналистлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий «Энг яхши ижодий ишлар» танлови эълон қилинди.

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этаётган «Келажак овози» кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Бойсун тумани марказида «Болажон» хиёбони очилди. «Акбаршоҳ Бойсуний» хусусий фирмаси томонидан бунёд этилган мазкур боғда болажонларнинг мазза қилиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● Фарғонада ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Йил китобхони» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда юздан ортиқ ўқувчи ўз маҳоратини кўрсатди.

ЖАҲОНДА

● Молдовада сиёсий инқироз юз бериши мумкин. Агарда бугун иккинчи бор ўтказилаётган президент сайловлари муваффақиятсиз якунланса, мамлакат парламенти тарқатиб юборилади.

● Белоруссия ҳукумати Россия ҳукуматига Республика ҳудудида атом электр станциясини қуриш учун 9 миллиард долларлик кредит сўраб мурожаат этди.

● Лаҳор шаҳрида содир этилиб, 30 га яқин киши ҳаётдан кўз юмган, юздан ортиқ аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олган қўпорувчилик ҳаракатини амалга оширганликни «Толибон» ҳаракати жангарилари ўз зиммаларига олдилар.

● Жанубий Кореянинг «Янхан Ньюс» ахборот агентлиги маълумотига кўра Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбари Ким Чен Ир кенжа ўғли Ким Чен У ни ўзининг вориси деб эълон қилди.

● Кеча Исроилда кейинги тўрт йил ичида энг кенг қўламли фуқаролик мудофааси бўйича йирик ўқув-машқ йиғинлари ўтказилди. Унда ракета зарбасига қарши ҳаракатлар машқ қилинди.

● Россия Федерацияси Президенти Д.Медведев мамлакат конституцион суди раиси ва ўринбосарларини тасдиқлашнинг янги тартиби тўғрисидаги қонунга имзо чекди.

● Германиянинг Штутгарт шаҳридаги «Мерседес-Бенц-Арена» стадионида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари вақтида II жаҳон уруши йилларида фойдаланилган бомбалардан 18 таси топилган. Улар мутахассислар ёрдамида бошқа жойга кўчирилган ва зудлик билан зарарсизлантирилган.

● Эронда ички йўналишларда парвоз қилувчи самолёт бортига яширинча ўрнатилган портловчи қурилма зарарсизлантирилди. Маълумотларга қараганда, «Kish Air» авиакомпаниясига тегишли бўлган самолётда портловчи қурилма борлиги аниқлангач, ҳаво кемаси зудлик билан қўндирилган ва фалокатнинг олди олинган. Самолёт бортидаги йўловчиларга ҳеч қандай зиён етмаган.

● Кеча компьютер тизимининг издан чиқиши Японядаги йирик Ханэда аэропортида жиддий тартибсизликларни келтириб чиқарди.

● Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридан парвозни амалга оширган Франция авиакомпаниясининг «А330-200» русумли ҳаво кемасининг Атлантика океани устида ҳалокатга учрагани радарлар ёрдамида аниқланди. Ҳозирда авиаҳалокат юз берган океаннинг ушбу ҳудудига бир неча кема юборилган.

БРАЗИЛИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда 2008 йилнинг ноябридаёқ қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини жадал суръатда амалга ошириш бўйича муҳим чоратадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг олдини олиш ва енгиллаштиришга йўналтирилган».

Шунингдек, мақолада таъкидланишича, «Хорижий компаниялар учун Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодиёти сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, ноёб инвестицион муҳит, қулай табиий иқлим шароити, меҳмондўст ва меҳнатсевар халқи каби кўплаб афзалликларга эга ».

— Жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тўқнашаётган ҳозирги энергетика етишмовчилиги шароитида Ўзбекистоннинг энг муҳим устунлиги мамлакат иқтисодиётининг ушбу йўналишда дунёдаги жуда кам сонли давлатлар сингари тўла мустақилликка эришганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси газ, нефть, кўмир ва уран заҳиралари ва уларни соф ҳолда экспорт қилиш бўйича жаҳоннинг ўнта давлати сафига киради. Мамлакатнинг умумий энергетика заҳиралари яна камида 100 йил давомида иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш учун етади, — дейилади "O`Globo"да.

Газетада алоҳида қайд этилишича, «Ўзбекистоннинг кўп миқдорда маҳсулот сотиладиган бозорларга яқинлиги ва ЕвроОсиё мультимодал коммуникация тизимига интеграциялашган мамлакат транспорт инфратузилмаларининг ривожланиши инвестиция ҳамда савдо-иқтисодиёт йўналишидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб беради».

Шунингдек, **"O`Globo"** Президент Ислом Каримовнинг Бразилияга ташрифининг натижалари ҳақида батафсил шарҳларни чоп этди. Газетанинг ёзишича, «Президент Л. И. Лула да Сильванинг таклифига биноан мамлакатимизга Президент Ислом Каримовнинг ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги саҳифасини очиб беради ва халқаро сиёсатга доир икки томонлама кенг қамровли масалалар бўйича ўзаро ҳамкорликнинг кенгайишида истиқболли имкониятларни намоён қилади». Нашр Бразилия президентининг «Мен Президент Ислом Каримовнинг ташрифи давлатларимиз ўртасидаги масофаларни қисқартириши ва бир-биримизни яқиндан билиш сари муҳим қадамлар ташлашни бошлаб беришига аминман», — деган сўзларини келтиради.

"Agenda Estado" ахборот агентлигининг таъкидлашича, «Президент Ислом Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда Бразилия ҳукумати томонидан қабул қилинган чораларга юқори баҳо берди ва иқтисодиёти ривожланаётган икки давлат инқироздан қисқа вақт ичида чиқишига ишонч билдирди».

Бразилиянинг **ABN** ва **"Agency Brazil"** етакчи ахборот агентликлари президент Л. И. Лула да Сильванинг Ўзбекистон — Бразилия музокаралари чоғида билдирган фикрлари ҳамда Ўзбекистоннинг маданияти, цивилизацияси ва геосиёсий аҳамияти, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги икки томонлама муносабатларнинг истиқболларига берган баҳосини батафсил шарҳлади.

Бразилия президентининг "Осиё жадаллашув ва инновация тараққиёти марказига айланиб бораётган бир пайтда, катта табиий бойликларга эга бўлган Ўзбекистон ва Бразилия ўз иқтисодиётини саноатни диверсификация қилиш асосида ривожлантирмоқда", деган сўзларига эътибор қаратилади.

Бразилия ахборот агентликлари Бразилия президентининг Ўзбекистоннинг ўз тарихий мероси, турли халқлар ва маданиятлар ўртасидаги мулоқотларни қўллаб-қувватлашда ҳамда мустаҳкамлашда тутиб келаётган аньанавий ўрнига нисбатан собиқадамлиги ҳақидаги фикрларини алоҳида қайд этади. «Ўзбекистон – Марказий Осиёда аҳоли энг зич жойлашган мамлакат бўлиб, Осиёнинг марказида муҳим стратегик ўрин эгаллайди. Бу мамлакат минг йиллик цивилизациянинг бешигидир. Кимки янги сарҳадларни очмоқчи бўлса Самарқанд ва Бухоронинг Ғарб ва Шарқ учрашадиган жойга айланишига сабаб бўлган қадимги тадбиркор ва савдогарлардан ўрнак олишлари керак», — дейди президент Л. И. Лула да Сильва.

Бразилия оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, Л. И. Лула да Сильва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавкеи билан Бразилиянинг Жанубий Америкадаги аҳамиятини қиёслаб, Ўзбекистонни «бой табиий заҳираларга эга, иқтисодиёти қудратли ва кўп миллатли мамлакатдир», дея таърифлади. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида имзоланган сиёсий, иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар «узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорликка замин яратади».

Шарҳловчилар Ўзбекистон — Бразилия музокаралари чоғида бугунги глобал тараққиёт аньаналарини инобатга олган ҳолда икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб олинганини таъкидлашади. Л. И. Лула да Сильванинг сўзларига кўра, "жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатларимиз янги иқтисодий географияни яратишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари ҳамда халқаро молиявий меъморчиликни ислоҳ этишга кўмаклаша олишлари мумкинлигини намойиш этишди. Мен Президент Ислом Каримовнинг жаҳоннинг банк ва молия тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурияти юзага келди, деган фикрини қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон ва Бразилия бу инқироздан сўнг шаклланадиган янги дунё тартибига жуда пухта ҳозирланганига ишончим комил".

Бразилия оммавий ахборот воситалари халқаро хавфсизлик сиёсатининг долзарб масалаларида Ўзбекистон ва Бразилиянинг нуқтаи-назарлари кўп жиҳатдан ўхшаш ёки яқин эканлигини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, бу БМТ ва унинг тузилмалари фаолиятини ислоҳ қилишнинг истиқболлари билан боғлиқ, Қайд этилишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз ташрифи давомида БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзоликка Бразилия номзодини қўллаб-қувватлашини маълум қилган. Шу билан бирга, Бразилия оммавий ахборот воситалари ядро қуролини тарқатмаслик билан боғлиқ масалаларда икки мамлакат бир хил ёндашувга эга эканлигини таъкидлайди: Ўзбекистон ва Бразилия Марказий Осиё ҳамда Лотин Америкасида ядро қуролидан ҳоли ҳудудларни яратиш заруратининг ташаббускори ва қатъий тарафдоридирлар.

Бразилиянинг **"Аженсиа Сафраш"** ахборот агентлиги икки мамлакат ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Бразилияга амалга оширган расмий ташрифининг натижаларидан бири бўлгани, шу муносабат билан Бразилиа шаҳрида Бразилия Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида беш йил давомида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланганини таъкидлайди.

Битимда чорвачилик ва ветеринария каби йўналишлар қамраб олинган бўлиб, шунингдек, у биоёнилғи хом ашёси, сут маҳсулотлари, сабзавотчилик, ер унумдорлигини сақлаш, генетика ва биотехнология, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, чорвачилик хавфсизлиги каби бир қатор муҳим масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга мисол тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар ўтказиш, хусусан, ўзаро генетик моддалар алмашиш, биологик ёнилғи ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш, маҳсулотларни сақлаш, шунингдек, мутахассислар, олимлар алмашуви ва тренинглар олиб боришни йўлга қўйишга эътибор қаратилади.

Бразилиянинг яна бир таниқли **"Аженсиа Комара де Нотисиаш"** ахборот агентлигининг қайд этишича, Президент Ислом Каримов ва Палата раиси Мишел Темер ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон раҳбари Бразилиянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашида доимий аъзо сифатида иштирок этишини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

"Пренса Латина" тарқатган хабарда айтилишича, расмий ташрифдан олдин Бразилия томонидан Сан Пауло штати Саноат жамғармаси ва Сан Пауло шаҳри Саноат маркази, Ўзбекистон томонидан эса Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан ишбилармонларнинг икки томонлама форуми ўтказилди. Форумда икки мамлакат ўртасида инвестициялар жалб этиш учун яратилган имкониятлар, савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти намойиш этилди.

— Сан Пауло штати Саноат жамғармаси ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси озиқ-овқат ва тери маҳсулотларини қайта ишлаш, пойабзал ишлаб чиқариш, нефть-кимё, кимё ва тўқимачилик саноати каби соҳаларга оид ўзаро англашув меморандумини имзолашди, — дея хабар беради "Пренса Латина".

"Жаҳон" АА

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Ҳамма қатори оддий, аммо танасини ўз хоҳишига кўра истаган томонга бура оладиган одамлар ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Масалан, Мозес Лэнхем шундайлардан биридир. У хоҳлаган пайтда товонини айлантириб, олдинга қила олади. Яъни у ўз товонини гавдасини қимирлатмай 180 градусга бура олади. Ва бунда ҳеч қандай оғриқ ҳис этмайди. Мозес ўзининг бу буралувчанлигини болалик пайтидаёқ пайқаб қолган. Шундан буён ўзини истаган томонга айлантира (бурилиш эмас) оладиган бўлди. Мозес ўзини ягона буралувчан одам деб ҳисобларди. Аммо ундай бўлмади. Унинг ўн яшар ўғли отасидан ҳам ўтиб тушди. У нафақат товонини, тиззасини ҳам орқага бура олади.

● Бутун дунёда ўз асарини кўргазмага тақдим этган энг ёш рассом 1962 йилда таваллуд топган англиялик Левис Лионс ҳисобланади. Ёш истеъдод соҳиби ўзининг «Дарахтлар ва маймунлар» деб номланган суратини уч ёшида, яъни 1965 йилда намойиш учун тақдим этган. Орадан икки йил ўтиб, 1967 йилда эса ушбу санъат асари нуфузли Киролик академиясида намойиш этилган.

● Тўсатдан дунёдаги энг йирик қуён вафот этди. Бу унинг телешоуга чиқишидан бир неча дақиқа олдин содир бўлган. Вапе Эмми танасининг узунлиги 1 метр 22 сантиметр ва вазни 19 килограмм бўлган. Мутахассисларнинг айтишича, у юрак ҳуружидан вафот этган. Унинг эгаси Анет Эдвардс Британиядан Миланга «Рекордларни бузувчилар» шоусида иштирок этиш учун келган. Аммо суратга олишдан олдинги кун қуёнча учун муваффақиятсиз кўринишга эга бўлди. Эмми Гиннес рекордлар китобига энг йирик қуён сифатида киритилган эди. Анет Эмминнинг мақомини унинг наслидан бўлган Алиса эгаллайди, деб ўйлашмоқда. Чунки Алиса Эммидан 5 сантиметр узунроқдир.

● Норильск шаҳридаги туғруқхоналарнинг бирида забонли чақалоқ дунёга келди. Степаннинг отаонаси Родион ва Лиза Бажеевлар фарзандларининг бу қобилиятидан ҳайратга тушишган. У кўзини очиши билан «дада» сўзини айтган экан. Буни ўз қулоғи билан эшитган туғруқхона психолог-акушери Марина Панова аввалари ҳеч қачон бундай ҳолатга дуч келмаганини айтган. Мазкур ҳодиса шифокорларни анча ўйлашга мажбур қилмоқда. Чунки бундай мураккаб сўзларни болалар бир ойлик пайтида ҳам айтолмайди. Степан эса бир дақиқа ўтиб, «она» сўзини ҳам айтган экан. Кейинги кун эса онаси унга дадаси келишини айтганида, Степан «Ким, дадамми?» деб сўраган. Фарзандининг бу антиқа қобилиятини онаси ҳомиладорлик пайтида турли адабиётларни ўқиб, мусиқа тинглаб, турли маърифий курсларга боргани билан изоҳлаган.

● Олимлар космик суратлар орқали Байкал кўлида диаметри 5-7 километрга тенг муз айлана пайдо бўлганини аниқладилар. Унинг пайдо бўлиш сабаблари ҳали аниқ эмас. Олимлар бу айлананинг янги эмаслигини таъкидлашмоқда. Унинг ҳайбатли ўлчами туфайли музликлардан, ҳатто, кўлни ўраб турган тоғлардан ҳам кўриш мумкин бўлмаган. Юқори иссиқ майдон ва ҳарорат кучли газ ҳосил қилади. Бундай табиий газ кўл юзасида ёз ойларида пуфакчалар, қишда эса «пропарин» ишлаб чиқаради. Улар ярим метрдан бир неча юз метргача ҳажмни ташкил этади. Бироқ Байкал кўли юзасидаги баҳайбат қора айлананинг жуда катта эканлиги россиялик мутахассисларни ҳайрон қолдирди. Бу айлананинг пайдо бўлиши сабабини ўрганиш учун кўлдаги иссиқлик манбаини ўлчаш лозим. Чунки, кўлда ҳосил бўлган иссиқлик манбаи юқорига кўтарилиш жараёнида узуксимон айлана шаклини ҳосил қилади, —деган тахминлар мавжуд. Бироқ, тахминларга қарамай, Байкал кўлидаги мазкур айлананинг қай тарзда пайдо бўлганлиги ҳамон сирлигича қолмоқда.

● Антарктидадан тахминан Нью-Йорк шаҳридай катталикдаги айсберг ажралди. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва бошқа омиллар бунга ўз таъсирини кўрсатмоқда. «Уилкинс шельфидаги музликлар бекарорлиги туфайли ундан биринчи айсберглар ажралмоқда», — дейди германиялик мутахассис Анжелика Хьюмберт. Унинг айтишича Антарктидадан яқин кунларда ажралган айсбергнинг катталиги 700 квадрат километрни ташкил этган. Шу тарзда давом этса, Антарктида майдони тобора қисқариб боради.

● Германиянинг бир гуруҳ археологлари Шельклинген шаҳридаги ғорларнинг бирида олиб борилган тадқиқот ишлари давомида мамонтнинг дандон тишидан ясалган аёл ҳайкалчасини аниқлашди. Топилма ғор лабидан 20 метр узоқликда ва 3 метр чуқурликдан топилган. У олти бўлакка майдаланган бўлиб, 1 метр майдонга тарқалганди. Ҳайкалчанинг ёши тахминан 35-40 минг йиллар атрофида деб баҳоланмоқда. Бу тахмин исбот топса, у инсон сиймосини гавдалантирган энг қадимги ёдгорлик бўлади. Натижада илк палеолит даври амалий санъати тўғрисидаги қарашлар ўзгарса ажабмас. Мутахассисларнинг айтишича, бу кичик ҳайкалчани тумор сифатида осиб юришган бўлишлари ҳам мумкин.

● Эдинбургда (Буюк Британия) яшовчи Элайн Дэвидсон дунёдаги энг кўп пирсингли аёл сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Собиқ шотландиялик ҳамширанинг танасининг 6000 жойи тешилган бўлиб, 700 та металл шиқилдоқларни кўтариб юради. Шундан 30 таси тилидадир. Элайн ҳеч қачон ўз безакларини ечмайди. Уларнинг умумий оғирлиги уч килограммни ташкил қилади. Энг қизиғи эса аэропортлардаги детекторлардан ҳеч қандай муаммоларсиз ўта олади. Бу эса ходимларни ажаблантириши аниқ. Агарда Элайн қўл соатларини ечишни унутиб қўйса детекторлар ишга тушиб кетиши мумкин.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Куни кеча Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганиш ҳамда Юртбошимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар прокуратураси ва шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг бирлашган касаба уюшма ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, Мудофаа вазирлиги бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари ва фаоллар иштирок этишди.

Тадбирни Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А. Инагамов кириш сўзи билан очар экан, айни пайтда жаҳон молиявий инқирози кўплаб давлатлар, айниқса ривожланган мамлакатларда жиддий тус олаётгани халқаро жамоатчиликни хавотирга солиб барчанинг диққат-эътиборида эканлиги, давлатимиз раҳбари томонидан бу борада тасдиқланган Инқирозга қарши чоралар дастури бугунги кунда ўз йўналишлари бўйича изчил татбиқ этилиб, бу албатта инқирозининг таъсирини юмшатишга асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси А. Алтаев Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» асари, Тошкент шаҳар прокуратураси масъул ходими Н.Шайхов Юртбошимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ва Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кўрсатилган асосий йўналишлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган прокуратура органларининг вазифалари, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Б.Мирхонов Президентимиз маърузасида таъкидлаб ўтилган аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишлар ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича белгиланган вазифалар ҳақида маъруза қилиб, мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

Ўқув-семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар олиб, бу борада барчанинг фаоллиги даркор эканлигига эътиборни қаратдилар.

Барча учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу анжуман иштирокчилари Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Тадбирлар

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги «Қўштут» маҳалласи гузарида тумандаги «Эски шаҳар», Ҳофиз Кўхакий каби бир қатор маҳаллалар фаоллари иштирокида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган катта маънавий- маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган туман «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Омина Раҳимбердиева, туман «Соғлом авлод» жамғармаси раҳбари Маъсуда Тошпўлатова ва бошқалар мамлакатимизда соғлом авлод камолоти, ижтимоий ҳимояси, соғлиғини сақлаш, таълим- тарбияси йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, соҳа мутахассислари бутун жаҳон аҳлини ташвишга солиб ўйлантираётган жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози ва уни бартараф этиш бўйича Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» деб номланган асарида илгари сурилган фикр- мулоҳазалар билан йиғилганларни таништириб, бу борада республикамизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумотлар бериб ўтдилар.

Туман маҳаллалари вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, бир қатор корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда қизиқарли савол-жавоблар бўлди ва йиғилганларга керакли тавсиялар берилди.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТДА: «Қўштут» гузарида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа

Даврон Аҳмад олган сурат

Туманларда

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Ўқувчиларнинг ёзги таътиллари ҳам бошланди. Туманларда таътилнинг мароқли ва сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида турли йўналишлар бўйича кўплаб тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

– Болажонларимизнинг таътил кунларида мазмунли ҳордиқ чиқаришларига шарт-шароит яратиш ўзига хос аҳамиятга молик вазифалар сирасига киради, – дейди Юнусобод тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори ўринбосари Дилором Тўхтахўжаева. – Шу маънода бизнинг марказимиздаги 17 турдаги тўгаракда 1 минг 800 дан ортиқ иқтидорли ўқувчилар техник, спорт ва бадиий йўналишларда таълим сирларидан воқиф этилмоқда. Уларга 30 нафар ўқитувчи-мураббий сабоқ беради. Таътил кунларида иқтидорли ўқувчиларимизни марказимизга таклиф этамиз.

Бинобарин, тумандаги ўқувчилар ижодиёт марказида 3 та йўналиш бўйича ҳунар ўргатилади. Яъни, бадиий нафосат ва тасвирий санъат, ахборот-маърифий йўналишдаги 52 та тўгарак фаолият юритади. Улардаги 2263 нафар тўгарак аъзоларига 72 нафар педагог сабоқ бериб келмоқда. Тумандаги болалар ва ўсмирларни жисмоний тайёрлаш клуби ҳам болажонларнинг севимли масканларидан ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур таълим даргоҳида 20 нафар ўқитувчи 10 дан ошиқ тўгаракларда 300 нафардан зиёд ўқувчиларга сабоқ бериб келишмоқда. Тумандаги 26-сонли санъат мактабида эса фортепиано, скрипка, ўзбек чолғу асбоблари, труба, хор ва мақом йўналишида 300 нафарга яқин ёш мусиқа ихлосмандларига 34 нафар ўқитувчи таълим беради.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

Тошкентимиз тимсолида жафокаш халқимизнинг озодлик йўлидаги асрий интилишлари, эзгу орзу армонлари ўзининг ўчмас ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш керак.Қадим Турон, Туркистоннинг тақдирида нимаики юз берган бўлса, бу жараёнлар кўҳна шаҳримиз қисматида бутун мураккаблиги билан акс этган.

Ислом КАРИМОВ

Ҳа, Тошкент тарихи ҳақида, олимлар ихтиёр этишганидек, ёзма манбалар, эҳтимол, бисёр эмасдир. Бироқ излаган топади. Қанчаданқанча фидойи, беқиёс сабр-иродали манбашуносларимиз, тарихчи, этнограф, археологларимиз, афтидан, мўъжиза туфайлигина замондошларимизга етиб келган узуқ-юлуқ саҳифалардаги ҳар бир сатр, жумла сири-синоати тилсимини топдилар, неча пахса тупроқ остидан игна билан қазиб олган, ботмон тилладан қимматбаҳо идиш бўлаклари, зеб-зийнатлар, тангалар, бошқа ашёларни йиллаб тадқиқ этиб, мозий зарварақларини тўлдиришга киришдилар. Улар улуғ хизматига шукроналар билдириб, олис ўтмишга ҳаёлан саёҳатга отланайлик.

"Авесто"да "тур" ёки "данай турлари" қавмлари, Қанға, Қанғдиз шаҳри зикр этилган сатрларга дуч келасиз. Зардуштийларнинг муқаддас китобидаги "тур" — саклар, Қанға эса сакларнинг Чоч давлати эканлиги исботини топган.

Буни "Маҳабхарата"("Бхарата авлодлари жангномаси")даги ҳиндларнинг буюк "Авасемара" қурбонлик маросимига совға-саломлар олиб келган турли қабилалар орасида саклар ҳам бўлганлигига доир маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Милодий I асрда Румнинг таниқли олими Катта Плиний юнонлар скифлар сифатида қабул қилганларни "форслар саклар деб атайдилар" деб ёзиб қолдирган.

Милоддан аввалги II — милодий V асрларга тааллуқли Хитой қадимий ёзма манбаларида Қанға давлати таркибидаги беш вилоятлардан бирининг марказий шаҳри Юни эканлиги ҳақида сўз боради. Иероглифлардаги "ю" — "тош", "ни" — "шаҳар", "кўрғон" маъносини беради, яъни Юни — тош шаҳар, тош кўрғон. Кейинчалик Чин солномачилари кентимизни "тош шаҳар" маъносини англатган Чжеше (Чжеши), Чжечжи, Чжеси ёки Ши сифатида қайд этишади.

Академик Яҳё Гуломовнинг фикрича, Қанға милоддан аввалги IV аср охири — III аср бошларида таркиб топган ўлкадаги энг қудратли давлатлардан бири бўлиб, таркибига Тошкент воҳаси ҳам кирган.

Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида афсонавий Кайковуснинг Жайхун (Амударё)ни кечиб ўтиб,Эронга ҳужум қилган Турон подшоси билан жангу жадаллари, унинг ўғли Сиёвушнинг Қанға эли,бу юртнинг пойтахти Қанғдизга юриши шеърий мисраларга муҳрланган.

Араб олими Истахрийнинг "Китоб ал-масолик вал-мамолик" ("Йўллар ва мамлакатлар тўғрисида китоб") асарида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилган бўлса, X асрга тааллуқли (муаллифи номаълум) "Худуд ал-олам" ("Оламнинг чегаралари")да "Боч – бу катта вилоят, халқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айни пайтда подшоҳнинг қароргоҳидир" таърифига дуч келасиз.

Шош, Боч, Шошкент, Мадинат аш-Шош, Таркан, Бинкат ҳам "тош шаҳар" маъносини билдиради. Шу сабабдан Маҳмуд Қошғарий XI асрда "Таркан – Шошнинг номи. Унинг асли номи Тош-канд бўлиб,тошдан қурилган шаҳар демакдир. Абу Бакри Каффол Шоший шу шаҳардандир" деб ёзади.

Абу Райҳон Беруниийнинг "Ҳиндистон" ида "Тош асли туркча сўз бўлиб, Шош кўринишини олган, Тошканд — тошли қишлоқ демакдир" дея қайд этилган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"сида "Тошкент номини Шош, баъзан Боч деб ёзадилар" сатрлари диққатни тортади.

XVII асрга келгандагина шаҳар ҳозирги номини олди. Бунга тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали гувоҳлик келтиради: "Шош — Сайхуннинг у томонига жойлашган шаҳар ва у Туркистонга қарайди... Уни Боч деб атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир". Маҳмуд ибн Вали асаридаги Сайхун — Сирдарё, Туркистон эса ўша даврлардаги Боч вилоятидир.

Шаҳарни унинг иморатлари, арку қасрлари шаҳар қилади. Сергели туманидан ўтадиган Жўнариқ бўйида Шоштепа ҳанузгача бўй чўзиб турибди. Унинг остида илк Шош ҳаробалари сақланиб қолган. Хом ғиштдан кўтарилган девор билан ўралган қалъа-кўрғон деворининг ички томони бўйлаб усти равоқли узун йўлак, уларнинг ҳар биридан ташқарига чиқадиган дарвозаларга дуч келасиз. Истеҳком арки ҳам ўз ичига олган. Баъзи бинолар ҳоналари деворларида қизил бўёқ излари кўзга ташланади, равоқли пештоқлар, пойкансимон дарчалар ўша даврлар усталари маҳоратининг сассиз гувоҳларидир.

Боч давлати ҳудудида барпо этилган 50 тадан кўпроқ қалъа ва кўрғонлардан ҳамшаҳарларимизга Юнусобод ва Чилонзор Оқтепалари яхши маълум. Тупроқ уюмлари остида қолиб кетган бу ҳамда Товкаттепа, Кўғайтепа (Нўғойқўрғон), Бўзгонтепалар қаторида Мингўрик ажралиб туради.

III-IV асрларда Боч шу ерда қад кўтарган. Бу масканда қадимий барча кентларга хос ҳукмдорлар истиқомат қиладиган арк (кўҳандиз), шаҳристон (мадина), ички (рабоди дахил) ва ташқи рабод(рабоди хориж) барпо этилган. Шаҳристон тахминан 15, арк эса ярим гектар майдонни эгаллаган.

Аввал қўрғон тарзида барпо этилган турар жойлар қўшқатор ташқи мудофаа девори билан ўраб олинган. Шаҳристон ва рабодларда хом ғишт ва пахсалардан иморатлар бино этилган.Шаҳар ҳукмдорлари ва аслзодаларга тегишли бўлган қаср сифат бинонинг сақланиб қолган ҳоналари деворларида ислими нақш берилган расмлар излари кўзга ташланади.

Тошкент ҳунармандлари кентлари доврўғини довон оширган. "Шоҳнома"да Боч камони ва ўқ-ёйлари — "камони чочий" билан машҳурлиги мисраларига дуч келасиз.

Қадимги Шош ҳунармандлари маъдандан металл ажрата олишган, қурол-аслаҳа, асбобускуна, зеб-зийнат буюмлари ясаганлар, мато тўқишган, терини ошлаш ва чарм маҳсулотлар ҳамда чархда идиш тайёрлашни билганлар. Археологлар томонидан топилган ярғоқлар, пичоқ ва ўроқлар, қозон ва кабоб қўралар, гулдор, йўл-йўл мато, хумлар, бир ва қўш қулоқли, жўмракли хўқачлар, ёйсимон ёрғучоқлар, нақш туширилган, оч қизил ёки тўқ қора рангли сопол идишлар худди шундан далолат беради.

Агар Боч давлати Бешёғоч даҳаси ўз ўқ-ёй, қурол-аслаҳа, заргарлик буюмларини ясаш ҳаддини олган ҳунармандлари, Кўкча тери ошлайдиган, чарм маҳсулотлари тайёрлайдиган кўнчилари, Шайхонтоҳур илм-фан намояндалари билан машҳур бўлса, Себзор шаҳарликларни мева-чева, сабзавот билан таъминларди.

Чочликлар Чирчиқ дарёсидан ажралиб чиққан Салор, Қорасув анҳорлари ҳамда уларнинг пайнови ҳисобланган Жўнариқдан сув боғлаб, лойқа босган ерда зироат ва мева-чева етиштиришарди. Шаҳардан оқиб ўтадиган анҳорларнинг Чирчиқдан ажралиб чиқадиган жойида йирик тўғон қурилган. Чиғириқлар ёрдамида дарёдаги сувни юқорига кўтариб берадиган иншоотнинг нақадар улкан аҳамият касб этганлигини унинг "Банди — подишоҳ" — "Подшоҳ тўғони" деб улуғланишидан ҳам билса бўлади.

Савдо-сотиқда ҳам чочликларнинг олдига тушадиганлар кам топиларди. Шаҳарнинг Машриқ билан Марғибни бўлговчи ипак йўли марказида жойлашганлиги унинг шуҳратига шуҳрат қўшарди.

Қадимий кентимиз харобаларидан топилган ниҳоятда нодир, милодий илк асрларга тааллуқли фил суягидан ясалган қадаҳ ва суяк қалам (стиль) ўз вақтида катта шов-шувларга сабаб бўлган эди. Пешонабоғли, кулоҳ кийган, соқолли эркак киши сиймоси акс этган қадаҳ Эрон жанубидаги Парфияда II асрда ясалиб, Чочга келтирилган. 15 сантиметр узунликдаги, бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчиси илон бошига ўхшаш қуракча шаклида, ўчиргич сифатида ишлатиш учун мўлжаллаб тайёрланган суяк қаламнинг кўпроқ Юнонистон, Рум, Мурғоб, Бақтрия ва Сўғдда мўм суртилган тахтачаларга битиклар битиш учун кенг тарқалганлиги маълум. Унинг шаҳримиздан топилганлиги бу ерда ҳам саводхонлик ва ҳаттотлик ривож топганлиги аломати. Бунинг яна бир исботи — Ҳиндистонда, Инд дарёсининг юқори оқимидаги Қорақум шоҳ йўли бўйлаб ўтган кўприкка туташ қоялардаги милодий II-III асрларда бу ерларда бўлган чочлик савдогарлар томонидан қолдирилган сўғд "ташриф ёзувлари"дир.

Ипак молнинг савдоси энг чаққон бўлганлиги Ғарбда VI аср иккинчи ярмига қадар бундай мато ишлаб чиқариш сир-асрорларидан воқиф эмасликлари туфайлидир. Бу қитъа мамлакатларида Хитой ипагининг қиймати олтин ва энг қимматбаҳо тошларга тенглаштирилган. Византия императорлари Европадан ўз қўшинларига аскарларни Чин ипаги эвазига ёллашганликлари бунинг яна бир муҳим далилидир.

Ана шу мато сабабли Буюк ипак йўли номига сазовор бўлган савдо карвонлари қатновлари икки — Гиераполдан Тошминор (Тошқўрғон)гача ҳамда Тошминордан Хитойнинг Серика шаҳригача қисмдан иборат эди. Унинг Марказий Осиё қисми Туркманистон жануби ва Афғонистон шимоли-ғарбидаги қадимий Ария вилоятидан шимолга — Марғиёнадан кўҳна Марвга, сўнг шарққа — Термиз атрофида Амударёдан ўтилиб, яна икки тарафга давом этарди. Биринчи йўналиш шимолий томонга бўлиб, у Самарқанддан Фарғонага, иккинчи, жанубий йўналиши — Сурхон водийсидан тоғли Қоратегин ўлкасига олиб борарди. Ҳар икки йўналиш ҳам Тошминорга элтар ва Боч орқали ўтарди.

VI-VII асрларда Буюк ипак йўлининг Еттисув орқали Чочдан ўтадиган шимолий йўналиши, айниқса, жуда муҳим саналарди. Чунки Византияга Хитой ипагини Эрон орқали олиб ўтиш таъқиқланганлиги учун сўғд савдогарлари аввал Хоразмга йўл олишар, сўнг Каспий денгизини айланиб ўтишар, бундан кейин эса шимолий Кавказ довонларидан ошиб Қора денгизга чиқиб олишарди.Бу ердан Константинополга олиб борадиган янги йўл тармоғи солинганди.

Шоштепа, Мингўрик ва Чочнинг тарихий ёдгорликларидан топилган, турли мамлакатларда зарб этилган тангалар, ясалган зеб-зийнатлар, тайёрланган антиқа буюмлар ўша даврда савдо-сотиқ алоқаларининг жўшқин бўлганлиги аломатларидир. Боч кентига ўзга ўлкалардан турли моллар келтирилиши билан бирга шаҳардан четга Чоткол ва Қурама тоғларидаги Қўшбулоқ ва Қизилолма конларидан қазиб олинадиган олтин, Кўҳисим, Лашкарак ва Кони Мансур конлари кумуши, Унгурликон ва Оқтупроқ конларининг ферузалари, шунингдек, ғалла, қуруқ мева, йилқилар сотиш учун чиқариларди. Шаҳар том маънода ўлкада савдо маркази ҳисобланарди.

Боч ҳукмдорларининг қумуш тангалар зарб этиладиган ўз зарбхоналари ҳам бўлган. III-IV ҳамда VII-VIII аср биринчи ярмига тааллуқли тангалар олд томонида одатда тож кийган ҳукмдорлар, қуёш ва ой рамзлари тасвирлари, орқасида эса ҳужумга ташланаётган шер ёки қоплон, баъзан от, туя суратлари, айрим ҳолларда шоҳ ёки шаҳар ҳокими сулоласи тамғасини учратиш мумкин. Сўғд ёзувида зарб этилган матнларда Боч ҳукмдорлари Арганца, Вийартфарнук, Сочак, Тарнавч, Йазатпир номлари ва унвонлари қайд этилган. Боч шаҳри номлари ўша давр қумуш идишларида ҳам учрайди.

Шуниси айниқса эътиборга моликки, Боч давлати тангаларида ҳукмдор билан ёнма-ён турган малика тасвирига ҳам дуч келиш мумкин. Демак милоднинг илк асрларидаёқ бу юрт аёллари давлат ва жамиятда муносиб нуфузга эга бўлган эканлар.

Мингўрик тарихий ёдгорлигида топилган биноларнинг ноёб меъморий ечимлари, муҳандислик топилмалари, қаср ва саройлар тархи, тоқи равоқлари, ички нақшлари замондошларимизни ҳам ҳайратга солмай қолмайди. Чочда, шунингдек, деворий рассомчилик, турли йўналишлар бўйича санъат мактаблари шаклланган. Ўша даврда, айниқса, мусиқа ва рақс санъати юқори поғонага кўтарилган. Ёзма манбалар Хитойнинг Тан империяси саройида Боч ўйинчи йигитларининг "Боч рақси", икки рақкосанинг "Доира рақси" Чин императори, мўътабар меҳмонлар, аъёнларни мафтун қилиб, ҳайратга келтирганидан гувоҳлик беради.Хитой шоирлари шаҳримиз санъаткорлари маҳорати, рақслар нафислигини мадҳ этиб, шеърлар битганлар.

Зайниддин Восифий ҳам ўзининг "Бадоеъ ул-вақоеъ"сида Чочни:

"Андақ бир шаҳарки, жаннатмакондир,
Хижолатдин жаннат сийнаси қондир.
Бу кентни ким кўрса жилмагай,
Жаннат неъматларин орзу қилмагай,
Бўлак юртларда бўлгунг бахтиёр,
Бунда гадолик бех, этгил ихтиёр",

деб мадҳ этганича бор.

Албатта, ўша даврларнинг энг қудратли ҳукмдорлари бундай жаннатмакон шаҳарга эгалик қилиш орзусида бўлардилар. Шу сабабли шошликлар бошларидан кўп оғир синовлар, қонли жангу жадалларни кечирдилар. Табарийнинг "Тарих ар-русул ва-л мулук" ("Пайғамбар ва подшолар тарихи") асари гувоҳлик беришича, 713 йилда араблар Тошкентга 20 минг лашкар билан бостириб келганлар. 704 йилда Хуросонга валий қилиб тайинланган Қутайба ибн Муслим бу вақтга келиб Балх, Бухоро, Хоразм, Самарқандни забт этишга улгурганди.

Чочликлар хавфдан огоҳ эдилар. Араблларга қарши Турк хоқонлиги, Боч ва Фарғона давлатлари ҳарбий иттифоқ тузишга келишиб ҳам олган эдилар. Бу иттифоққа Панжикент ҳокими Диваштич ҳам қўшилиш ниятини билдирган. Унинг элчиси Фатуфари Боч ҳукмдори Баҳодур тудун ҳузурига ошиқади. Фатуфарининг Чочдан Диваштичга йўллаган хабарлари сақланиб қолган.

Аммо кучлар тенг эмас эди. Чочликларнинг ўз ватанларини мардонавор ҳимоя қилишларига қарамасдан шаҳар истилочилар томонидан қўлга олинади. Араблар ўзлари Мадина аш-Шош деб атаб келишган шаҳар талон-тарож қилинади, кўрсатилган қаттиқ қаршилик учун Боч ўт қўйилади.

"Тош шаҳар" аҳли иродаси ҳам метиндек эди. Фарғона ҳокими араб истилочиларига қарши қуролли қаршилик кўрсатганда уларга чочликлар мададга келади. Мард ва ҳурпарвар шаҳарликлар кейинчалик ҳам босқинчиларга қарши кўп бор исён кўтарганлар. Хуросонга тайинланган янги ноиб қўзғолонни бостириш учун Боч бир неча бор лашкар тортиб боришга мажбур бўлган.

Вайрон этилган шаҳар яна қад кўтариши учун бир асрдан кўпроқ вақт керак бўлди. IX асрдагина Боч пойтахти Бўзсув ёқасида, ҳозирги Себзор, Кўкча, Бешёғоч ҳудудида барпо этилиб, Бинкат номи билан атала бошланди.

Шундан сўнг Шош аввал Сомонийлар, кейин Қорахонийлар давлати таркибида бўлди, мўғул истилосини ҳам бошдан ўтказди. 1220 йилда мўғуллар шаҳарни деярли қаршиликсиз эгаллашган. Ўша даврга доир мўғуллар босқини ҳақидаги маълумотларда Шош тилга олинмаганлиги ҳам таажжуб уйғотиши мумкин. Олимлар бунга бироз илгари Муҳаммад Хоразмшоҳ жанг билан Шош вилоятини қўлга киритгани ва бу ерлардаги меҳнатсевар, ҳунарманд халқ душманлар қўлига тушмаслиги учун вилоят пойтахти аҳолисини бу ердан кўчириб юборганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин тахминини билдиришади.

Шош вақти келиб Амир Темур салтанатига қўшиб олинади. Буюк Соҳибқирон учун Тошкент омадли шаҳар бўлган. Тўхтамишга қарши жангга отланган Амир Темур 200 минглик лашкари билан Самарқандан чиқиб, 1391 йил қишини Тошкентда ўтказади.Қўшин бу ерда куч тўплаб, бўлажак жангга астойдил тайёргарлик кўрган. Шу йил ёзида Кундузча дарёси яқинидаги уч кунлик қирғинбарот жангида Соҳибқирон Олтин Ўрда ҳукмдорини қақшатқич мағлубиятга учратган.

Кейин эса шаҳар мулк тарзида Улуғбек ихтиёрига берилган. Тошкентнинг қайтадан равнақ топиши худди шу даврга тўғри келади.Ана шу йилларда шаҳар кучли қалъага айлантирилди, бу ерда янги-янги бинолар, Регистон, Шайхонтоҳур мажмуасидаги мақбара, жоме масжидлари қад кўтарди.

Вақт ўтаверди, Тошкент таржимаи ҳолига янги сатрлар битилаверди. Аввал Муҳаммад Шайбонийхон Тошкент хони Султон Маҳмудхон ва унга ёрдамга келган иттифоқчилар қўшинини енгиб, шаҳарни қўлга киритди, Тошкент ҳокимлигига амакиси Суюнчҳўжахонни тайинлайди.

Сўнг шаҳар бир неча бор бир гал Бухоро, бошқа сафар Қўқон хонликлари қўлига ўтиб турди, чорҳокимлик давридаги ўзаро қон тўкишларга ҳам дучор бўлди. Гап шундаки, Тошкент ягона шаҳар бўлса-да унинг тўрт даҳаси — Шайхонтоҳур, Қаффол Шоший (Себзор), Шайх Зайниддин (Кўкча), Зангиота(Бешёғоч)ни ҳар бири ўзича мустақил бўлган тўрт ҳоким бошқарган. Шаҳарга ташқаридан хавф туғилса, даҳа ҳокимлари ғанимлар ҳужумларини даф қилиш учун навбат билан қўшин ажратиб туришган. Аммо Тошкентда бундан-да даҳа ҳукмдорлари ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатида тарафма-тараф тўқнашувлар кўпроқ бўларди. Куч синашиш майдони Лабзак анҳори бўйидаги Жангоб эди. Бу ерда уруш-жанжал энг авжига чиққанда ҳам Эски Жува бозорида савдо-сотиқ давом этаверарди. Тўрт ҳокимнинг ҳаммаси бу ҳудуднинг бетарафлигини тан оларди.

Фақат Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳа ҳукмронлигини 1784 йилда қўлга олгач, тарқоқликка чек қўйилди ва мустақил Тошкент давлатига асос солинди. Қўқон хонлигининг ҳамма тазйиқларига қарамасдан Тошкент давлати 20 йил мустақиллигини сақлаб турди.

XIX аср иккинчи ярмига келиб Туркистон, унинг табиий бойликлари, серҳосил водийлари, кўркам ва бадавлат шаҳарлари Чор Россиясини жуда қизиқтириб қолган эди. Аввалроқ Чимкентни қўлга киритган М.Черняев қўмондонлигидаги қўшин 1864 йил 27 октябрида Тошкент томон йўлга чиқади. Шаҳар қамал қилинганлиги тўғрисидаги хабар Қўқон хонига берилгач, Мулла Алимқул бошчилигидаги лашкар Тошкентни ҳимоя қилиш учун ёрдамга етиб келади.Қаттиқ қаршиликка дуч келган рус қўшинлари Чимкентга чекинишга мажбур бўладилар.

1865 йил баҳорида эса М.Черняев бошқача йўл тутади. У даставвал Бўзсув анҳори бошидаги Ниёзбек қўрғонини эгаллаб, тошкентликларни сувсиз қолдиради. 9 май куни эса шаҳарга ҳужум қилади.

Тошкентликлар ва уларга ёрдамга келган Мулла Алимқул лашкарлари 42 кун давомида сувсизлик ва қамал шароитида шаҳарни мардонавор ҳимоя қиладилар. Бироқ кучлар тенг эмасди, шу боис руслар шаҳарни эгаллашга муваффақ бўладилар.

Ҳурликка эришиш, мустақил ўзбек давлатининг мукаддас остонаси — пойтахти бўлиш учун Тошкентга яна 125 йил керак бўлди.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

АСРЛАР СИЛСИЛАСИДА БОҚИЙ

...Йигирма икки аср. Уммондек ҳадсиз-чегарасиз бу тарих саҳифаларини бирма-бир варақлаш, минг йиллар қатидан ўша суронли даврлар гувоҳликларини излаб топиш, ҳамма воқеа-ҳодисалар тафсилотларини жонлантириш айтишга осон. Мана, машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольднинг эътирофи: «Туркистон ўлкасида Марв, Бухоро, Самарқанд тўғрисида ёзса бўлади. Тошкентга келсак... Ашёвий изларсиз ёзма манбаларни англаб бўлмайди ва бунинг тескариси». Шу боис у шаҳримиз ўтмишини қоғозга туширишга журъат эта олмади.

СУРАТДА: Юнусобод Оқтепаси шу кўринишда бўлган.

СУРАТДА: илк ўрта асрларда Чилонзор Оқтепаси.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ТОШКЕНТГА БАҒИШЛОВЛАР

Бу ёруғ дунёда мен нени кўрдим?
Тошкент, шаҳар кўриб мен сени кўрдим.
Бунда ҳар бир кўча менга дўст, рафиқ,
Бунда ҳар бир дарахт онамдай мушфиқ.

* * *

Бунча кўп ошиқу ювораларинг,
Фақат таскин берар фавворалaринг.
Улар бари яқин кўнгилларимга,
Улар ўхшар опа-сингилларимга.

* * *

Дилни ўзга юртга мойил кўрмадим,
Юртсиз бир муродни ҳосил кўрмадим.
Қанчалар уммону дарёлар кечдим,
Анҳор соҳилидай соҳил кўрмадим.

* * *

Меҳринг сенга томон бургандай йўлин,
Ойлар осмонингда бунчалар тўлин.
Сен — мисли безанган тўйхонадирсан,
Ой гўё бағрингга тушгувчи келин.

* * *

Дунёда энг азиз кўзу қошлардай,
Ҳар бир ҳовлинг менга қариндошлардай.
Кўнглимни минг бўлиб оламга сочсам,
Бунга қайтиб келгай қалдирғочлардай.

* * *

Сен — Ғафур Ғуломнинг ҳаёт қўшиғи,
Ойбек, Шайхзоданинг кўнгил эшиги.
Бешикларга тўлсин уйларинг, шаҳрим,
Эй улуғ зотларнинг мангу бешиги.

* * *

Иқболинг билмасин ҳеч ниҳоялар,
Тошкент, қўшгил мени киприкларингга.
Шеърларим бўлғайлар зинапоялар,
Янги қурилажак кўприкларингга.

КЎРГАЗМАДА БОЛАЖОНЛАР ИЖОДИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида 1 июнь — Халқаро болалар кунига бағишланган «Ватанимнинг серқуёш осмони остида» (қишлоқ манзаралари) ва Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган «Тошкентим жамоли» мавзуларидаги расмлар кўргазмаси иш бошлади.

Кўргазмада пойтахтдаги 21, 24-сонли болалар уйи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясининг болалар ижодиёт студияси, Республика ўқувчилар саройи, «Сехриё» ва 1-сонли санъат мактаби, «Da Vinchi, Paradise» болалар студиялари иштирок этмоқда.

Кўргазма болаларда она Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини ривожлантириш, келажакда юрт ривожи ва бунёдкорлиги йўлида ўз ҳиссаларини беғараз қўшувчи етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Болалар яратган асарлар ҳамиша ўзининг самимийлиги ва енгиллиги билан катталар диққатини ўзига тортади. Кўргазмада ёш истеъдодларнинг ижод намуналари билан бир қаторда, жажжи модельерларнинг чиқишлари ҳам намойиш этилди.

«Мен ушбу кўргазмада ўзимнинг «Дугонам» деган расмим билан иштирок этдим, ўртоғимнинг узун сочлари, чиройли кўзлари, аъло хулқи мени бу суратни чизишимда қўл келди», дейди биз билан суҳбатда 6 ёшли жажжи қизалоқ Шаҳзода Ёқубова.

Деворларда осиғлик турган турли ижод намуналарини кузатар эканмиз, ҳар бир боланинг ҳеч кимга ўхшамас алоҳида шахс бўлиб шаклланишига имкон яратилаётганлигига амин бўлдик. Бу эса катталар учун кўп ҳолатларда унут бўлган оддийлик ва борлиқни унинг борича қабул қила олиш имконини беради.

«Буюк аждодларимизнинг бой мероси, уларнинг салобатли сиймосини чизиш анчадан буён орзуим эди, халқимизнинг ўтмиши билан боғлиқ барча осори атиқаларга қизиқаман. Ушбу кўргазмага ўзимнинг А.Навоий ва Амур Темур бобомизнинг ҳайкали тасвирланган ижод намунам билан иштирок этдим, — дейди суҳбатдошимиз «Da Vinchi» арт-студияси ўқувчиси Фаррух Собиров.

Кўргазмада намойиш этилган концерт ва театрлаштирилган томошалар болаларнинг мароқли дам олишлари, тадбирнинг қизиқарли ва тароватли бўлишида ёрдам берди. Ўтказилаётган бу каби кўргазмалар жажжи ширинтойларнинг кейинги ижоди учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

ДИЛДАН ҚУВНАБ-ЯЙРАШДИ

Собир Раҳимов туманидаги 28-сонли мактабгача таълим муассасасида битирувчи тарбияланувчиларнинг «Хайр боғчам» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда жонажон даргоҳлари билан хайрлашаётган 40 нафар болажонлар чизган расмлари, ҳайкалтарошлик, тўқувчилик ишлари, саҳналаштирган томошалари, қувноқ ашула ва рақслари билан қатнашиб, байрам тадбирининг янада сермазмун ва жонли ўтишини таъминладилар. Мазкур тадбир «Тошкент — 2200 ёшда» мавзуидаги суратлар кўргазмасига уланиб кетди. Ўзининг «Қадимий шаҳар» номли тасвирий санъат иши билан тарбияланувчилардан Паризода Турсунова ғолибликка эришди.

— Мактабгача таълим муассасамизда жами 240 нафар бола тарбияланади, — дейди муассасанинг инглиз тили тўғараги раҳбари Наргиза Абдулазизова. — Уларнинг барчасини рус ва инглиз тили тўгаракларига жалб қилганмиз. Улар билан кун давомида шуғулланиб, уйга вазифалар ҳам бериб борамиз. Болаларнинг тил ўрганишга қизиқишлари катта. Шу боис ота-оналарнинг уйда болалари учун вақт ажратишларини, улар билан кўпроқ машғул бўлишларини сўраймиз.

Мазкур таълим муассасасида болажонлар ҳақиқатан ҳам тўгаракларга қатнашиб, рус ва инглиз тилларини малакали ўқитувчилардан мукаммал ўрганаётганликларини тадбир давомида уларнинг инглиз ва рус тилларида бурро-бурро шеърлар ўқиб, қўшиқлар айтганларидан ҳам яхши англадик. Энг муҳими, болажонларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини, меҳрибон, жонкуяр мураббийлар қўлида яхши таълим олаётганликларини гувоҳи бўлдик.

Байрамона ўтган тадбирда болажонлар қадрдон мураббийлари билан биргаликда дилдан қувнаб-яйрашди. Шу куни жажжи болажонларнинг қувноқ кулгулари бутун оламни тутди.

Зебунисо НАЗИРОВА,
ЎзМУ талабаси

СУРАТДА: 28-мактабгача таълим муассасасида ўтган тадбирдан лавҳа.

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ШАХМАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ ДОНА СУРДИ

Тошкент шаҳар Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Кенгаши томонидан жисмоний тарбия ва спорт ишларига жиддий эътибор берилмоқда.

Тармоғимизда 55 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоси бўлиб, асосий вазифаларимиз — аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини яхшилаш билан бир қаторда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, ходимлар, айниқса ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этиш, спортнинг оммавийлигини ошириш, ходимларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида уларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб қилиш ишларига муҳим аҳамият қаратилган.

Шу мақсадда тармоғимизда кўплаб қизиқарли спорт тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ўтказилаётган ҳар бир спорт мусобақалари, турнирларда фаол иштирок этмоқдамиз.

Мисол учун, «Карвон Холдинг» мини-футбол жамоаси Э.Парсегов хотираси учун Республикамизнинг 17 та командаси ўртасида ўтказилган мини-футбол мусобақаларида тўртинчи ўринни эгаллади.

Аъзоларимиз куни кеча Қибрай тумани шахмат клуби, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қибрай тумани бўлими, шаҳар Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Кенгаши ҳамда Мирзо Улуғбек тумани тармоқ касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида шахмат бўйича ўтказилаётган мусобақаларда иштирок этишди. Турнир блиц, яъни чегараланган вақт асосида бўлиб ўтди.

Мусобақа Қибрай тумани шахмат клубида ўтказилиб, клуб асосчиларидан бири бўлган устоз ва мураббий Тоҳиржон Абдуқодиров хотирасига бағишланди. Ушбу мусобақаларда Чирчиқ, Қибрай, Бўстонлиқ, Паркент туманлари билан бир қаторда шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Миробод, Чилонзор, Учтепа туманларидан шахмат ихлосмандлари ҳам қатнашдилар. Блиц-турнир ёш жиҳатидан 2-гуруҳга бўлинган ҳолда, давра бўйича 5-дақиқали тизим асосида ўтказилди.

Мусобақа ғолиблари шу куннинг ўзидаёқ аниқланди. 30 ёшгача бўлган иштирокчилар Қибрайдан Изатилла Султонов, Тошкентдан Роман Глобуев ва Қибрайдан Сирожиддин Бурунов биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин сохиблари бўлишди.

30 ёшдан юқори бўлган иштирокчилар ўртасида эса мезбонлар Абдумалик Рустамов, Зокиржон Шукуров ва Азамат Муродовларга тенг келадиганлар топилмади.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қибрай тумани бўлими раисининг ўринбосари Ахрор Абдуқодиров ва пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туман савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашининг раиси Равшан Абдуқодиров ғолиб ва совриндорларни қимматбаҳо совғалар, дипломлар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирладилар.

Турнирнинг энг ёш қатнашчиси — тўққиз яшар Саодат Тоҳировага алоҳида совға топширилди.

Мусобақада кўпчилик қатнашчиларнинг оила аъзолари билан иштирок этганлиги қувонарли ҳолдир.

Бахтиёр ДЎСТХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

МАХТУМҚУЛИ

Нечалар мол топмас,
тангдаст бўлар,
Нечалар бор, бойлигидан
маст бўлар.
Нечалар бор йигитликда нест бўлар,
Нечалар бор, сурган ёшига етмас.

* * *

Одам бор, минг туман
едирсанг оздир,
Одам бордир, еган ошига етмас.

Молсиз бўлса, қавму
қардош ёт бўлар.
Қочар оға-ининг, бўлмас хотиранг,
Душманларинг шоду
дўстинг мот бўлар.

* * *

Кишини камситган ўзи нокасдир.

* * *

Ғийбатчининг оқибати ўт бўлар.

* * *

Махтумқули, жон меҳмондир,
тана лош,
Яхшига дўст кўп, ёмонга йўқ қардош.

* * *

Минг қарға йиғилса,
бўлолмас бир ғоз.

* * *

Кимёни тупроққа сочсанг,
Тупроқдан зар ундиради.
Яхши ерга уруғ сепсанг,
Юз баробар ундиради.

Бир сўзни ўринлаб сўзлай билмаган,
Одам деган шундай инсон бўларми?

* * *

Иззат, ҳурмат ҳеч кутмагин
Кўрим кўрилмаган ерда,
Оқил бўлсанг, сўз айтмагин
Навбат берилмаган ерда.

* * *

Қуруқ ёғочга барг битмас.

Телба кўнгил таянчи,
Йўқдир дунё ишончи,
Соғ қулоқнинг қувончи
Кар ёнида билинар.

* * *

Бемаънининг сўзи жонингдан ўтар,
Ғийбат этиб, ўзи гуноҳга ботар,
Ёмоннинг зиёни элига етар,
Нодоннинг фойдаси ўзига тенгмас.

* * *

Маъни сўз англамас беақл одам
Доноларнинг битта сўзига тенгмас.

* * *

Бедовни танимас ҳар боққан сарбон,
Жўмардни эл танир, одилни девон,
Отни майдон танир,
ҳимматни меҳмон,
Жўмард ўғли супра ёзиб, ош тўкар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Футбол

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Маълумки, 6 июнь куни «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон — Япония терма жамоалари ўртасида 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири IV босқичининг гуруҳ беллашуви бўлиб ўтади.

Ушбу учрашувга жиддий ҳозирлик кўраётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари «Пахтакор» марказий стадионида Босния — Герцеговина терма жамоаси футболчилари билан назорат ўртоқлик учрашувида куч синашишди. Шуниси эътиборлики, бу сафар мураббийлар легионерлар билан бир қаторда имкон қадар умидли ёш чарм тўп усталарини синовдан ўтказишди. Баҳс асосан тенг курашлар остида кечди. Ҳар иккала терма жамоа дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир этилди. Ҳамюртларимизда биринчи бўлимнинг ўзида икки-уч марта меҳмонлар дарвозасига гол киритиш имконияти туғилди. Бироқ 90 дақиқа давом этган учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди ва 0:0 ҳисоби қайд этилди.

Ушбу учрашув кунчиқар юрт чарм тўп усталари билан кечадиган баҳс олдидан ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтаганлиги бор гап. Энди ҳамма гап, жаҳон чемпионатига саралаш турнири IV босқичидаги барча беллашувларни ҳамюртларимиз ғалаба билан якунлашларида қолди. Ана шунда жаҳон чемпионатига саралаш турнири мусобақаларида курашни давом эттириш имконияти туғилади.

Биз ўзбекистонлик мухлислар номидан терма жамоамиз вакилларига жаҳон чемпионатига саралаш турнири мусобақаларида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Билиб қўйган яхши

ОБ-ҲАВОНИНГ СИРЛАРИ

Асад ойида барча экинлар ҳосилга кириб, мевалар мазаси асалга айланиши сабабли, табиий, ҳамюртларимиз анвойи гулларга бурканган боғларда кимдир болакайлари, кимдир тили бийрон жажжи неваралари ёки эваралари билан табиат қучоғига ошиқишади. Ана шундай ажойиб кезларда об-ҳаво сирларидан воқиф бўлиш, фойдадан холи эмас.

Инсон — гўзал табиат шайдоси. Аммо у табиат сирларини синчковлик билан ҳамиша кузатиб борадими? Барчада табиатга, борлиққа муносабат турлича, шундай эмасми?

Ахир, табиат гўзаллиги, унинг нафосатига яширинган сирлари чуқур, эътибор-ла кузатилса, инсониятга завқ, шавқ бағишлаб, ҳатто оддий касб соҳиби ҳам шоира ёки шоирга айланади-қўяди.

Хўш, табиатнинг ўзига хос яширин сирлари нимада?

Биз қуёш ботаётганда уфққа эътибор бersак, баъзан қизармай, баъзан эса қизариб ботаётгани эътиборимизни ўзига албатта тортади.

Эътибор беринг-а, куз кунлари кундузи иссиқ, кечқурун совуқ тушса, эртасига, албатта ҳаво очиқ бўлади.

Буни қарангки, доно халқимиз минг йиллар кузатишига қараганда, эрталаб қуёш чиқишидан олдин шамол эсиб турса ва осмонда қора булут пайдо бўлса, билингки, албатта, ёмғир бўлади.

Агар кечки пайт шамол кучайса, билингки, албатта, ҳаво айнийди.

Олтин куз осмонида юлдузларнинг жимирлаб кўзга ташланиши, ҳавонинг тезда айнишидан, шубҳасиз, дарак беради.

Ажабо, қора булутлар осмон узра пастлаб сузса, билингки, ёмғир нисбатан давомли бўлади.

Агар кун бўйи ёмғир ёғиб, кечқурун қуёш ботаётганда уфқда шафақ қизариб кўринса, билингки, эртасига, албатта ҳаво очиқ бўлади.

Асалари ҳамжиҳатлик билан тўда бўлиб шарбат йиғишга учиб кетса, албатта, кун очиқ бўлади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
Халқ таълими аълочиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 23 июль куни соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1.Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 23.11.2007 йилдаги 901/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар «Себзор» жарима майдонида сақланаётган «Opel Vestra» русумли, д/р X532YTM бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 224 000 сўм. 2.Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича 02.10.2008 йилдаги 2-20/08/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар «Иновест» жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. «ГАЗ-3110» русумли, д/р 30U0895 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 714 000 сўм. 3.Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги №ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Мавлянов кўчаси, 2Б-уй манзилида сақланаётган: «Хундай Акцепт» русумли, д/р 10X6036 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 520 200 сўм. 4. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги, — Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган, 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси — 692 699 700 сўм. — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Низомий кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Савдоларга марҳамат!

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Тошкент шаҳридаги ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

а) комиссия номига ариза.
б) паспорт нусхаси.
в) шахсий варақа (сўровнома)
г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси.
д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси.
е) қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.
ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома.
з) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамоаси шаҳар ҳокимлигининг Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи

Носир Муталипович МУТАЛИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156

Буюртма Г- 506

Топширилган вақти: 13.25